

«МИРОБОД ДЕХҚОН БОЗОРИ» АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БАЁНИ

2018 йил 12 апрел

Тошкент шаҳри

Акциядорларнинг 2017 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Миробод тумани Нукус кўчаси манзилида, жамиятнинг маъмурий биносидан 2018 йил 12 апрел куни ўтказилди. Йиғилишда 1263861 овозга эга 20 та акциядор катнашди, бу жами акциядорларнинг 97.02 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 9602 %га эгаллик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Ҳайдаров Бахтиёр Тўлқунович катнашди.

Йиғилиш раёсатиغا бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Камолов Т.К. – “Тошбозорсавдо” уюшмаси бўлим бошлиғи

Ҳайдаров Б.Т. – Жамият кузатув кенгаши аъзоси

Отабоев У.Т. – «Миробод деҳқон бозори» АЖ директори.

Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Назарова С.Б.

Йиғилиш санок хайъатиغا қуйидаги ходимлар сайландилар:

Мирасулов А.У., Бурхонова М.Н. Араббаева М.Н

Йиғилишга жамият кузатув кенгашининг раиси Камолов Толмас Каримович раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. «Миробод деҳқон бозори» АЖ ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора тadbирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.

2. Жамиятнинг 2017 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш.

3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосалари.

4. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш.

6. Жамиятнинг 2018 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.

7. Жамият директори билан тузилган шартномани амал қилиш муддатини узайтириш.

8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.

9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.

10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзга чикувчиларга 5 минутгача.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи** масала юзасидан кузатув кенгашининг раиси Т.К.Камоловнинг йиллик ҳисоботи ва жамият директори У.Т.Отабоевнинг 2017 йил якуни бўйича жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди. Ҳисоботда акциядорлик жамияти томонидан 2017 йилда эришилган ютуқ ва камчиликлари келтириб ўтилди, жумладан 2017 йилнинг якуни бўйича ялпи даромад режаси 4491148.0 минг.сўм бўлган, амалда 4641025.5 минг сўмга ёки режа 103.3%га бажарилгани, мажбурий харажатлар режаси 1715820.0 минг.сўмни ташкил этиб, амалда 1782005.1 минг сўмга харажат килинган режага нисбатан 66185.1 минг сўмга кўп харажат килинган. Соф фойда режаси 225101.5 минг сўм бўлиб, амалда 225238.4 минг сўмга режага нисбатан 136.9 минг сўмга кўп бажарилганлигини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон қарори иловасининг 37- бандига асосан кўрсаткичлар СЙК (КПЭ) бўйича жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари йилнинг ҳар чораги якуни бўйича ўрганилганлиги ва ҳисоботлари тақдим этилганлигини маълум қилди,

(ҳисобот тўлалигича илова қилинади).

Берилган саволларга маърузачилар жавоб берганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ аудиторлик компаниясининг 2017 йил якуни бўйича ўтказилган аудит текшируви ҳулосасини жамият бош ҳисобчиси Худаярова М.А. ўқиб эшиттирди, жумладан, аудит текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва ҳўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келиши ҳақидаги 2018 йил 29 мартдаги 18-051-сонли ижобий ҳулоса берилгани ҳақида маълумот берди. (аудиторлик текшируви ҳулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамиятнинг тафтиш комиссияси раиси Эрназарова З. Йиғилишда иштирок эта олмаганлиги сабабли, тафтиш комиссияси ҳулосасини жамият бош ҳисобчиси Худаярова М.А. йиғилганларга ўқиб эшиттирди, жумладан, жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга ҳамда жамият ташқи аудитори «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖнинг 2018 йил 29 мартдаги ижобий аудиторлик ҳулосасига асосланиб:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигини;

- афилланган шахслар билан битимлар, шунингдек йирик битимлар тузилмаганлигини эътироф этишини маълум қилди. (тафтиш хайъатининг хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош мухосиби Худаярова М.А.сўзга чиқиб, жамиятнинг 2017 йил якуний баланси юзасидан тўлиқ ҳисобот берди.

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **бешинчи** масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси М.А.Худаярова сўзга чиқиб, 2017 йил якуни бўйича жамият даромадлар ва харажатлар сметасига асосан, ҳамда жамият ташқи аудитори «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс курсаткичларига мувофиқ, жамият 2017 йил якуни бўйича олинган 225238.4 минг сўм соф фойда қўйидагича тақимланишини маълум қилди.

-Жамиятнинг 2016 йил якунлари бўйича кўрилган зарарни қоплашга 151600.8 минг сўм;

-Жамиятнинг резерв (захира) жамғармасига 11300.0 минг сўм;

-Жамият акциядорлари учун дивидентга 52101.880 минг сўм;

-Жамият ходимларини рағбатлантиришга мукофот пули 10235.720 минг сўм.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият директори Отабев У.Т. сўзга чиқиб, 2018 йил учун тайёрланган «БИЗНЕС РЕЖА» ва «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» билан йиғилганларни таништирди, «БИЗНЕС РЕЖА»да жамиятнинг 2018 йилда амалга ошириладиган ишлари, жамиятнинг молиявий нуфузини янада ошириш ва йил якуни бўйича дивидендлар салоҳиятини ошириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва қўшимча даромадлар манбаини ташкил этиш йўллари ахтариш кўрсатилганини билдирди, («Бизнес-режа», «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» тўлалигича илова қилинади).

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича раислик қилувчи жамият акциядорларининг 2017 йил 26 апрелдаги навбатдаги умумий йиғилиш қарорига мувофиқ жамият директори Отабев Уктам Турғуналиевич билан бир йилга шартнома тузилганини маълум қилиб, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуннинг 62-моддасига мувофиқ, жамият Кузатув кенгашининг Отабев Уктам Турғуналиевич билан тузилган шартномани амал қилиш муддатини узайтириш мумкинлиги юзасидан

хулосаси мавжудлигини билдирди ва йиғилиш қатнашчиларини ушбу хулоса билан таништирди.

Кун тартибидаги масала юзасидан савол-жавоблардан сўнг жамият директори Отабоев Уктам Тургуналиевич билан тузилган шартномани амал қилиш муддатини бир йилга узайтириш масаласи бўйича акциядорлардан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саккизинчи** масалага ўтиб, 2018 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи** масалага ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўнинчи** масала бўйича жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси А.У.Мирасулов сўзга чиқиб, "AUDIT-RUMANS" МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосаси билан таништирди.

("AUDIT-RUMANS" МЧЖнинг хулосаси илова қилинади)

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Санок хайъати мажлис қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

1-масала Ўқлаган 1263861–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	2-масала Ўқлаган 1263861–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	3-масала Ўқлаган 1263861–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%
4-масала Ўқлаган 1263861–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	5-масала Ўқлаган 1263861–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	6-масала Ўқлаган 1263861–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%
7-масала Ўқлаган 1263861–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	8-масала Ўқлаган 1263861–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	10-масала Ўқлаган 1263861–100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%

9-масала (Кумулятив овоз бериш натижалари)		
1. Салайдинов Ашраф Гаипназарович	1263861 та овоз	
2. Каримов Малик Рахимович	1263861 та овоз	
3. Хайдаров Бахтиёр Тўлқунович	1263861 та овоз	
4. Азимов Иномжон Каримович	1263861 та овоз	
5. Камолов Толмас Каримович	1263861 та овоз	
10-масала	11-масала	
Ёклаган 1263861–100%	Ёклаган 1263861–100%	
Бетараф 0 – 0,0%	Бетараф 0 – 0,0%	
Қарши 0 – 0,0%	Қарши 0 – 0,0%	

Раислик килувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «Миробод деҳқон бозори» АЖ ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. (ёклаган 1263861 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

2. Жамиятнинг 2017 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текширувида мувофиқ ижобий аудиторлик хулосаси инобатга олинсин. (ёклаган 1263861 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг хулосаси инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (ёклаган 1263861 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

4. Жамиятнинг 2017 йил фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (ёклаган 1263861 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

5. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича олинган 225238.4 минг сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

-Жамиятнинг 2016 йил якунлари бўйича кўрилган зарарни қоплашга 151600.8 минг сўм;

-Жамиятнинг резерв (захира) жамғармасига 11300.0 минг сўм;

-Жамият акциядорлари учун дивидентга 52101.880 минг сўм;

-Жамият ходимларини рағбатлантиришга мукофот пули. 10235.720 минг сўм

(ёклаган 1263861 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

6. Жамиятнинг 2018 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият директори (У.Т.Отабоев)га «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин. (ёклаган 1263861 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

7. Жамият директори Отабоев Уктам Турғуналиевич билан тузилган шартнома муддати акциядорларнинг 2018 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йиғилишига қадар узайтирилсин. (ёқлаган 1263861 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:


- | | |
|-------------------------------------|-------------------|
| 8.1. Салайдинов Ашраф Гаипназарович | 1263861 - та овоз |
| 8.2. Каримов Малик Рахимович | 1263861 - та овоз |
| 8.3. Хайдаров Бахтиёр Тўлқунович | 1263861 - та овоз |
| 8.4. Алимов Иномжон Саидкулович | 1263861 - та овоз |
| 8.5. Камолов Толмас Каримович | 1263861 - та овоз |

9. Жамият Тафтиш комиссиясига Бурхонова Махмуда Назировна, Тошмахамадова Саноат Худойбердиевна, Назарова Марифат Зоҳидовналар сайлансин. (ёқлаган 1263861 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

10. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича “AUDIT-RUMANS” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари тасдиқлансин. (ёқлаган 1263861 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

Баённома имзоланган сана: «20» апрел 2018 йил.

Йиғилиш раиси



Т.К.Камолов

Котиб



С.Назарова